



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА МУАММОЛАР

Жураева Гавхар Тошбобоевна

таянч докторант

Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8405036>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-September 2023 yil
Ma'qullandi: 28-September 2023 yil
Nashr qilindi: 30-September 2023 yil

KEY WORDS

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу бўлимнинг бош мақсади республикамизнинг Қашқадарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва мавжуд муаммоларни очиб беришдан иборат

ABSTRACT

Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасини яхшилаш, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсадларидан биридир. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон "Ўзбекистон-2030" стратегияси тўғрисидаги Фармонида "Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш" мақсади белгилаб берилди.

Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасини яхшилаш, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсадларидан биридир. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон "Ўзбекистон-2030" стратегияси тўғрисидаги Фармонида "Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш" мақсади белгилаб берилди. Ундаги асосий ғоялар барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш, аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш; халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлашдир. Шунингдек вилоятларни комплекс ижтимоий-иқтисодий, ер-сув, агроиклимий, минерал-хомашё, меҳнат ресурслари салоҳиятидан самарали фойдаланишга катта эътибор қаратилган. Буларнинг натижаси ўлароқ аксарият вилоятларнинг мавжуд салоҳияти асосида уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Маълумки, ҳар қандай ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, энг аввало, уни ҳар томонлама ўрганишни, истиқболда унинг мавжуд салоҳиятидан оқилона фойдаланиш асосида хўжалик ихтисослашувини такомиллаштиришни, аҳоли бандлигини оширишни, ҳаёт сифатини яхшилаш ва натижада ҳудуднинг

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини юксалтиришни назарда тутати.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу бўлимнинг бош мақсади республикамизнинг Қашқадарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тененциялари ва мавжуд муаммоларни очиб беришдан иборат.

Қашқадарё вилояти 1964 йил 7 февралда янгидан ташкил этилган бўлиб республиканинг жанубий-ғарбида, Қашқадарё ҳавзасида, Помир-олай тоғ системасининг ғарбий чеккасида, Амударё ва Зарафшон дарёлари, Ҳисор ва Зарафшон тизма тоғлари орасида. Шимолий-ғарбдан Бухоро, жанубий-шарқдан Сурхонарё, жануби-ғарб ва ғарбдан Туркменистон, шарқдан Тожикистон ва Самарқанд вилоятлари билан чегарадош. Майдони 28,6 минг км². Ҳозирда туман иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиги ҳамда хизматлар соҳаси ташкил қилади. Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда кейинги йилларда ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ялпи ҳудудий маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни ортиб бормоқда. Қашқадарё вилоятида 2017-2022 йиллар оралиғида макроиқтисодий кўрсаткичлари сўнгги 5 йилликда ўзгаришини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин(1-жадвал).

1-жадвал

Қашқадарё вилоятининг 2017-2022 йиллардаги макроиқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткич номи	Ўлчо в бирл иги	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й	2022 й	2017 - 2022 йилл арда ги ўсиш /ўзга риш, %
1	ЯҲМ ҳажми	млрд сўм	21 597,3	26 554,1	32 399,3	36 010,6	42 560,2	49 520,8	x
	ўсиш суръати	%	103,5	102,0	101,8	102,1	106,8	105,6	123,9
2	ЯҲМнинг тармоқ таркиби:		100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	x
	саноат	%	16,6	17,7	17,9	17,9	17,0	17,2	0,6
	қишлоқ хўжалиги	%	44,7	42,7	40,9	41,9	42,1	41,2	-3,5
	қурилиш	%	6,0	6,5	6,4	6,2	6,6	7,0	1,0
	хизматлар	%	32,7	33,1	34,8	34,0	34,3	34,6	1,9

3	ЯҲМ да кичик бизнеснинг улуши	%	73,6	72,7	70,8	71,1	69,9	68,1	-5,5
	Аҳоли жон боши ЯҲМ	минг сўмда	6 925,3	8 312,3	9 924,9	10 687,0	12 622,0	14 372,6	x
4	Саноат ишлаб чиқариш ҳажми	млрд сўм	10 945,9	14 529,5	20 360,1	14 612,3	18 771,9	22 814,7	x
	ўсиш суръати	%	107,9	108,3	93,7	102,9	115,4	110,5	143,7
	Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ҳажми	минг сўмда	3 509,9	4 567,7	6 271,2	4 417,4	5 567,2	6 621,7	x
5	Ҳудудий саноат	млрд сўм	2 425,2	3 309,1	5 856,4	6 129,1	7 064,9	8 853,4	x
	жами саноатдаги улуши	%	22,2	22,8	28,8	41,9	37,6	38,8	16,6
6	Қишлоқ ўрмон ва балиқчилик хўжалик маҳсулотлари ҳажми	млрд сўм	14 761,6	17 685,8	20 415,1	24 348,8	28 275,6	32 227,2	x
	ўсиш суръати	%	103,3	96,5	101,4	103,7	101,9	103,7	110,8
	Аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	минг сўмда	7 058,8	5 560,2	6 287,9	7 409,6	8 669,6	9 689,4	x
7	Хизматлар ҳажми	млрд сўм	5 859,7	7 064,1	8 800,9	10 349,5	12 907,4	15 945,8	x
	ўсиш суръати	%	104,5	106,6	111,1	106,7	114,4	114,1	172,4
	Аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми	минг сўмда	1 879,0	2 220,9	2 710,7	3 128,7	3 803,7	4 628,0	x
8	Қурилиш пудрат ишлари ҳажми	млрд сўм	2 759,1	3 701,1	4 365,3	4 832,6	6 336,6	7 831,1	x
	ўсиш суръати	%	99,9	110,9	103,2	98,3	117,6	105,8	139,9
	Аҳоли жон бошига пудрат ҳажми	минг сўмда	884,7	1 087,2	1 358,5	1 460,9	1 879,2	2 272,9	x
9	Инвестиция ҳажми	млрд сўм	11 175,3	16 518,5	24 462,5	20 557,6	17 359,1	16 181,5	x

Ўсиш суръати	%	129,7	112,4	131,2	76,5	77,8	80,8	92,0
--------------	---	-------	-------	-------	------	------	------	------

Вилоятда 2017 йил ҳолатига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 21,6 трлн.сўм бўлиб, унинг таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши 44,7 фоизни, саноат (қурилиш билан биргаликда) 22,6 фоизни, хизматлар 32,7 фоизни ташкил этган.

Кўриниб турибдики вилоят асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланиб, уни қайта ишлашга етарлича эътибор қаратилмаган.

Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9 трлн. 632 млрд. сўмни (Ўсиш суръати 3,8 фоиз), қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 10 трлн. 864 млрд. сўмни (6,5 фоиз), хизматлар ҳажми 5 трлн. 137 млрд. сўмни (18,1 фоиз) ташкил этган.

Аҳоли жон бошига тўғри келган ЯҲМ ҳажми 6 млн. 925 минг сўм бўлиб, бу рақам республика ўртача кўрсаткичидан қарийиб 1,5 млн.сўмга кам бўлган.

Худди шундай таққосланганда аҳоли жон бошига тўғри келган:

саноат маҳсулотлари ҳажми 3 509 минг сўм бўлиб республика кўрсаткичидан 0,5 млн. сўмга;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 3 675 минг сўм бўлиб, республика кўрсаткичидан 0,1 млн.сўмга;

хизмат кўрсатиш ҳажми эса 1 680 минг сўм бўлиб, республика кўрсаткичидан қарийиб 2 баробарга кам бўлган.

Ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 64,8 фоизни ташкил қилган.

2017 йилда барча манбаалар ҳисобидан 11,2 трлн сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, аҳоли жон бошига ўртача 3,6 млн.сўмни ташкил этган.

Катта имкониятлар бўлишига қарамасдан инвестициялар жалб қилиш ишлари Миришкор (58 млрд.сўм), Қамаш (61 млрд.сўм), Касби (67 млрд.сўм) ва Шаҳрсабз (120 млрд.сўм) туманларида суғул ташкил этилган.

Вилоятдаги 738 та маҳалланинг 223 тасида ёки 30 фоизда саноат корхоналари мавжуд бўлмаган. Бу маҳалалар асосан Миришкор, Касби, Китоё ва Чироқчи туманларига тўғри келади.

Вилоятда 2017 йилда атига 38 та экспортёр корхоналар бўлиб улар томонидан бор йўғи 28 млн. долларлик экспорт амалга оширилган ҳолос.

Айрим туманларда, жумладан, Нишон (79 минг долл.), Деҳқонобод (278 минг долл.), Косон (660 минг долл.), Муборак (679 минг долл.), Миришкор (751 минг долл.), Касби (844 минг долл.), Ғузур (950 минг долл.) туманларининг экспорт кўрсаткичлари 1 млн долларга ҳам етмаган.

Сўнги 6 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми ўртача 1,2 баробарга ўсиб, 2022 йил якуни билан 49,5 трлн.сўмни ташкил этди.

Бунда, саноат ишлаб чиқариш 1,4 баробарга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 1,1 баробарга ва жами хизматлар ҳажми 1,7 баробарга ўсиши таъминланди.

ЯҲМнинг таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 44,7 фоиздан 41,2 фоизга, пасайган бўлса ушбу давр оралиғида саноат ишлаб чиқариш улуши 22,6 фоиздан 24,2 фоизга, хизматлар ҳажмининг ЯҲМдаги улуши 32,7 фоиздан 34,6 фоизга ошди.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот 2017 йилдаги 6,6 млн сўмдан 14,4 млн сўмга етказилди.

Жумладан, саноатда 3,1 млн сўмдан - 6,6 млн сўмга, қишлоқ хўжалигида 3,7 млн сўмдан - 9,7 млн сўмга, хизмат кўрсатишда 1,7 млн сўмдан - 4,6 млн сўмга кўпайган.

Айниқса, вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми сўнги 6 йилда 2 баробарга ортди (2017 йил 1 январда 9,6 трлн сўм, 2023 йил 1 январда 22,8 трлн сўм)

Саноат таркибида тўқимачилик, озиқ-овқат, электротехника, қурилиш материаллари тармоқлари етакчи ўринларни эгаллайди.

Хусусан, сўнги 6 йилда тўқимачилик саноати 5 баробарга (1,2 трлн сўмдан - 6 трлн сўмга), озиқ-овқат саноати 2 баробарга (1,7 трлн сўмдан - 3,1 трлн сўм), қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 2,8 баробарга (307 млрд.сўмдан - 876 млрд сўмга), электротехника саноати эса 40 баробарга (2,3 млрд сўмдан - 94 млрд сўм) ошди.

Қашқадарё вилояти табиий минерал хом-ашё захираларга бой ҳудуд ҳисобланади.

Вилоятдаги 176 та фойдали қазилма конларининг 256 та ер қаъри участкаларидан 165 таси (65 %) ўзлаштирилиб фойдаланилмоқда. Ушбу участкаларнинг 76 таси (46 фоизи) сўнги 6 йилда ўзлаштирилди.

Цемент, оҳак тош, мрамрлашган тош, керамзит, гипс, кварц қуми, глина бентонит каби хом-ашёлари янгидан ўзлаштирилди.

Хусусан, Китоб туманида 150 млн доллар эвазига йилига 1,2 млн тонна цемент ишлаб чиқарувчи “Конч цемен” корхонаси ишга туширилиб, 400 та янги иш ўринлари яратилди.

2018 йилдан бошлаб 5 та туман (Чироқчи, Яккабоғ, Қамаш, Китоб, Касби) дотациядан чиқарилди.

Вилоятда 2017-2022 йилларда аҳоли сони 381 минг нафарга (ўртача бир йилда 63,5 минг нафар) кўпайди.

Ўтган 6 йилда 615 минг нафар фуқаролар, шундан 197 минг нафар хотин-қизларнинг бандлиги таъминланган.

Хусусан, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик соҳасида 215 минг нафар, инвестиция соҳасида 43 минг нафар, қишлоқ хўжалигида 258 минг нафар, қурилиш соҳасида 31 минг нафар, туризм соҳасида 68 минг нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланган. Натижада вилоятдаги 182 та маҳаллаларда ишсизлик тўлиқ тугатилган.

Сўнги 6 йилда вилоятда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳамда тўқимачилик саноати драйвер соҳага айланди.

Хусусан, ушбу даврда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналари сони 520 тага кўпайиб, 932 тага етди.

Бугунги кунда вилоятда 80 дан ортиқ турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда.

Соҳада қиймати 2,4 трлн. сўмлик 385 та янги инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида яратилган янги иш ўринлари 6 мингдан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури эса 80 тадан ошди.

Кейинги 6 йилда тадбиркорлик субъектлари, қишлоқ хўжалигида 4 баробарга, саноат йўналишида 4 баробарга, хизмат кўрсатиш соҳасида 3,6 баробарга кўпайган.

Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши 3,2

бандга ошди (64,9 фоиздан - 68,1 фоиз).

Вилоятда 2017-2022 йиллар давомида барча манбалар ҳисобидан 20 трлн. 473 млрд сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, жами 7 154 та лойиҳалар ишга туширилиши натижасида 55 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилган.

Шундан, 761,5 млн долларлик хорижий инвестиция ва кредитлар жалб этилиши ҳисобига 397 та лойиҳалар ишга туширилиб, 9 784 нафар иш ўринлари ташкил этилган.

Хорижий инвестициялар асосан Хитой, Сингапур, Голландия, Жанубий Корея ва Туркия каби давлатлар ҳиссасига тўғри келган.

Жумладан: Қарши туманида 2017 йилда “LT Textil International” хорижий корхонаси (Хитой) томонидан қиймати 115,0 млн доллар бўлган “Калава ип ишлаб чиқаришни ташкил этиш”;

Касби туманида 2019 йилда “Indorama-Agro” МЧЖ (Сингапур) томонидан қиймати 85,0 млн долларлик тўқимачилик;

Чироқчи туманида 2020 йилда “Vero beverages” МЧЖ қўшма корхонаси (БАА) томонидан қиймати 10,0 млн доллар бўлган “ичимлик сувини қадоқлаш”;

Муборак туманида 2021 йилда “EMG Inter Investment” МЧЖ (Туркия) томонидан қиймати 10,0 млн долларлик “Ун ва ёғ ишлаб чиқаришни ташкил этиш”;

Китоб туманида 2022 йилда “Qarshi Conch Cement” МЧЖ (Хитой) хорижий корхонаси томонидан қиймати 170,0 млн долларлик “цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳалари ишга туширилди.

2018-2022 йиллар Қашқадарё вилоятида умумий 115 гектар майдонда 34 та кичик ва 15 та ёшлар саноат зоналари ташкил этилди. Уларда 28 млн долларлик 284 та лойиҳалар жойлаштирилган.

Ушбу лойиҳаларнинг 129 тасини амалга оширилиши натижасида йилига 256 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2,5 млн долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилди ва 1 259 та янги иш ўринлари яратилди.

Мисол учун, Қарши шаҳардаги “Буюк турон” кичик саноат зонасидаги электротехника саноати йўналишида фаолият кўрсатиб келаётган “Алп техно сервис” МЧЖ томонидан 2,0 млн. долларлик экспорт амалга оширилишга эришилди.

Вилоятда импорт маҳсулотларини ҳажмини камайтириш мақсадида маҳаллийлаштириш дастури асосида янги лойиҳалар ташкил этилмоқда.

Хусусан, 2022 йил якунлари бўйича маҳаллийлаштириш дастури асосида лойиҳа қиймати 2,6 трлн сўмлик 41 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 54,3 млн.долларлик импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ушбу лойиҳалар ҳисобига 1 131 та янги иш ўринлари яратилди.

Кейинги 6 йилда маҳаллийлаштириш лойиҳалари сони 4 баробарга, ишлаб чиқариш ҳажми 160 баробарга ўсган.

Вилоятда 2017-2022 йиллар давомида 902 млн долларлик экспорт амалда оширилган бўлиб, шундан 604 млн.доллари саноат ва 240,2 млн.доллари мева-сабзавот маҳсулотлари, 57 млн доллари хизматлар ва 250 минг доллари ИТ дастурлари ҳиссасига тўғри келади.

Бу кўрсаткич 2022 йил якунида 2017 йилга нисбатан 6 баробарга ёки 251 млн долларга, шундан ҳудудий экспорт 10 баробарга ошган.

Аҳоли жон бошига экспорт ҳажми 2017 йилда 1,2 минг долларни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йил якунига келиб 12,9 минг долларга ёки 10 баробарга ошган.

2022 йил якунлари бўйича Қашқадарё вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми 49 520,8 млрд сўм бўлиб, ўсиш кўрсаткичи 2021 йилга нисбатан 105,6%ни ташкил қилган. Вилоятда яратилган ЯҲМнинг Республика ялпи ички маҳсулотдаги улуши 5,6% (2021 йилда 6,0%)ни ташкил қилган ҳолда Тошкент шаҳри, Тошкент, Навоий, Самарқанд, Фарғона ва Андижон вилоятларидан кейинги 7-ўрин (2021 йилда 6-ўрин)ни эгаллаган. ЯҲМ таркибида саноат улуши (қурилишни қўшган ҳолда) 24,2% (2021 йилда 23,6%), қишлоқ хўжалигининг улуши 41,2% (2021 йилда 42,1%) ва хизмат кўрсатишнинг улуши 34,6% (2021 йилда 34,3%) ни ташкил қилган. ЯҲМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 68,1% (2021 йилда 69 %) ни ташкил қилган.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯҲМ ҳажми 14 372,6 минг сўмни ташкил қилган ҳолда (Республика ҳудудлари орасида 11-ўрин) 2020 йилга нисбатан 103,4 %га ошган.

2022 йилда вилоятда 22 814,7 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2021 йилга нисбатан 110,5 фоиз (ўсиш кўрсаткичи бўйича Республика ҳудудлари орасида 3-ўрин) ошган. Вилоят саноат маҳсулотларининг республика саноатидаги улуши 4,1 фоиз (2021 йилда 4,2%)ни ташкил қилган ва ҳудудлар орасида 8-ўрин (2021 йилда 8-ўрин)ни эгалланган. Саноат маҳсулотларининг 23,6%и (2021 йилда 26,3%) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган. Шунингдек, вилоят саноати таркибида тоғ-кон саноатининг улуши - 7,5%, ишлаб чиқариладиган саноатнинг улуши - 68,2%, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш саноатининг улуши - 23,8%, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш саноатининг улуши - 0,5%ни ташкил қилган.

Жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ҳажми 6621,7 минг сўмни (Республика ҳудудлари орасида 12-ўрин) ташкил қилган ҳолда 2021 йилга нисбатан 108,1 фоизга ошган.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш. 2022 йилда вилоятда 4763,1 млрд сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2020 йилга нисбатан 109,0 фоизни ташкил қилган. Вилоятда ишлаб чиқарилган истеъмол товарларининг республикадаги улуши 2,4% (2021 йилда 3,0%)ни ташкил қилган ҳолда ҳудудлар орасида 10-ўрин (2021 йилда 10-ўрин)ни эгаллаган.

Хизмат кўрсатиш 2022 йил вилояти бўйича хизматлар соҳасида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми 16 325,4 млрд. сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 5,1 % га ошган.

2022 йилда вилоятда 33 384,6 млрд сўмлик қишлоқ хўжаликлари маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2021 йилга нисбатан 103,7%га ошган. Республикада жами ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларида вилоятнинг улуши 9,2%ни ташкил қилган ҳолда, ҳудудлар орасида 6-ўринни эгаллаган.

Шунингдек, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми 19 481,4 млрд. сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 3,6 % га ошган.

Жон бошига тўғри келувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 9 689,4 минг

сўмни (Республика ҳудудлари орасида 9-ўрин) ташкил қилган ҳолда 2021 йилга нисбатан 101,5 фоизга ошган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар. Вилоятда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 16 181,5 млрд. сўмни ташкил қилган (2021 йилга нисбатан 80,8 %) ва Республикадаги жами асосий капиталга киритилган инвестициялардаги улуши 6,1 % (ҳудудлар орасида 6-ўрин)ни ташкил қилган. Жон бошига тўғри келадиган асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 4 696,4 минг сўмни ташкил қилган (2021 йилга нисбатан 79,1 %).

Ташқи савдо айланмаси. 2022 йилда вилоятда ташқи савдо айланмаси ҳажми 547,5 млн. АҚШ долларини ташкил қилган ҳолда, 2021 йилга нисбатан 96,8 фоизга ошган. Вилоят ташқи савдо айланмасининг Республика жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 1,1 %ни ташкил қилган ҳолда, ҳудудлар орасида 13-ўринни эгаллаган. Ташқи савдо айланмаси таркибида экспортнинг улуши -55,4 %, импортнинг улуши -44,6 %ни ташкил қилган.

2022 йилда жами амалга оширилган экспорт ҳажми 303,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилган ҳолда 2021 йилга нисбатан 112,3 %ни, импорт ҳажми 244,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилган ҳолда 2021 йилга нисбатан 82,6 фоизга ошган. Вилоятда амалга оширилган экспорт-импортнинг Республика кўрсаткичидаги улуши мос равишда 1,6%;0,8%ни ташкил қилган.

Таъкидлаш лозимки, вилоят сўнги йилларда комплекс ривожлантириш чоратадбирларини амалга оширган. Аммо бу муаммоларга барҳам берилди дегани эмас. Келгусида мавжуд камчиликлар бартараф қилинса вилоят ўзининг юқори кўрсаткичларига эришади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисидаги Фармони. <https://lex.uz/pdfs/6600413>
2. Ishmuhamedov A.E., Raximova M.R. Mintaqaviy iqtisodiyot: Darslik. – Т.:Iqtisodiyot, 2010 у.
3. Soliyev A., Nazarov M., Qurbonov Sh. O‘zbekiston hududlari ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi. Toshkent. Mumtoz so‘z. 2010-y.196b.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi hisobotlari. 2017-2022 yillar